

**Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки тизимида  
юридик шахслар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари учун  
“Корпоратив Мобил банкинг” хизмат  
турларидан фойдаланиш  
ТАРТИБИ**

Мазкур Тартиб Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Банк сири тўғрисида”ги, “Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни маухофаза қилиш” ва “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунлари ҳамда Марказий банкнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари қоидалари асосида ишлаб чиқилган.

**I. Умумий қоидалар**

1. Тартиб банк тизимида янги, замонавий хизмат турлари кўламини кенгайтириш ҳамда ўз миқозларига ахборот-коммуникация соҳасидаги илғор технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда зарур қулайликлар яратиш мақсадида мобил алоқа воситалари орқали хизматдан фойдаланишнинг умумий қоидаларини белгилаб беради.

2. Ушбу Тартибда қуйидаги атама ва тушунчалар қўлланилади:

а) Банк – акциядорлик тижорат Халқ банки;

б) Миқоз – юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорлик билан машғул бўлган жисмоний шахслар мақомидаги миқоз;

в) “Корпоратив Мобил банкинг” тизими – исталган реал вақт доирасида миқозининг мобил алоқа воситага ўрнатилган махсус дастур орқали ўз ҳисоб рақамларидаги маблағлар ҳолати ва ҳаракатини тассаруф этиш ҳамда ҳисоб рақам қолдиқлари бўйича маълумотлар олиш имконини берувчи техник дастурий тизим;

г) Шартнома – “Корпоратив Мобил банкинг” хизмат турини кўрсатиш юзасидан банк ва миқоз ўртасидаги тузилган шартнома.

3. Мазкур Тартибнинг ишлаб чиқилишидан кўзланган мақсадлар:

а) қулайлиги, маълумотлар ва банк операцияларининг ҳимояланганлиги билан банк миқозлари талабларига жавоб берувчи масофавий (интерактив) банк хизмати “Корпоратив Мобил банкинг” хизмат турини кўрсатиш;

б) «Корпоратив Мобил банкинг» интерактив банк хизмат тури Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва норматив ҳужжатлари ҳамда Марказий банкнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида кўзда тутилган банк фаолиятига доир талабларга жавоб бериши;

в) «Корпоратив Мобил банкинг» тизимидан фойдаланилганда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни зудлик билан ҳал этиш;

г) жинойий йўл билан «Корпоратив Мобил банкинг» тизими қўлланган ҳолда масофавий банк хизматларини кўрсатиш жараёнида банкни ноқонуний фаолиятга жалб этилишини олдини олиш.

## **II. Мижозни рўйхатга олиш ва банк базасига улаш тартиби**

4. Мижоз «Корпоратив Мобил банкинг» хизмат туридан фойдаланиш учун хизмат кўрсатувчи Банк филиалига буюртма билан муружат қилади (банк 2-иловага мувофиқ умумий кўринишидаги буюртма бланкини миждозга тақдим этиши лозим).

5. Банк филиали бош ҳисобчиси «Корпоратив Мобил банкинг» хизмат турини йўлга қўйиш билан боғлиқ муносабатларни ўзида мужассамлаштирган банк билан миждоз ўртасида ўзаро тузиладиган шартнома (1-илова) белгиланган тартибда расмийлаштирилиб, амалдаги қонунчилик доирасида тартибга солинади.

6. Буюртма ва Шартнома банк филиали раҳбарияти томонидан кўриб чиқилиб, маъқуллангандан сўнг ҳудудий филиалнинг ушбу хизмат тури бўйича расман маъсул ходими (ёки филиалнинг бош ҳисобчиси) томонидан «Корпоратив Мобил банкинг» дастурий тизими базасига тегишли маълумотлар киритилади. Аризанинг электрон шакли банкнинг корпоратив почтаси орқали Бошқарувнинг Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш бошқармасига юборилади.

7. Бошқарувнинг Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш бошқармасининг маъсул ходими бир банк иш куни давомида киритилган маълумотларнинг тўлиқ ва тўғрилиги текшириб, «буюртма» асосида ўрнатилган тартибда электрон сертификатларни ясаб юқоридаги (ариза келиб тушган филиал масул ходимининг) почта манзилига жўнатади.

8. Филиал маъсул ходими томонидан қабул қилиб олинган электрон сертификат ҳамда «Корпоратив Мобил банкинг» тизимининг махсус дастурий таминоти миждознинг мобил алоқа воситасига ўрнатиб, хизматдан фойдаланиш учун тайёр ҳолатда миждозга тақдим этилади.

## **III. Ишлаш тартиби**

9. Мижоз томонидан тақдим этилган маълумотларга асосан банк базасига уланган кундан бошлаб ўз мобил алоқа воситаси ўрнатилган банк махсус дастурий таминоти орқали хизматдан фойдалана олиши мумкин.

10. «Корпоратив Мобил банкинг» хизмат туридан фойдаланишни йўлга қўйилганлиги учун хизмат ҳақи меъёри банк томонидан ўрнатилган тартибга биноан хизмат ҳақи тарифлари асосида миждознинг ҳисобварағидан автоматик тарзда ечиб олинади.

11. Мижознинг ҳисобварағида тўлов учун маблағлар етарли ёки мавжуд бўлмаса, агар банк ҳисобварағи бўйича шартномада бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса, тизим орқали миждозга хизмат кўрсатиш вақтинчалик тўхтатиб қўйилади ва бу ҳақда миждозга хабар берилади.

## **IV. «Корпоратив Мобил банкинг» тизимини иш фаолиятини тўхтатиб қўйиш**

12. «Корпоратив Мобил банкинг» хизматидан фойдаланиш жараёнда миждоз банкга тақдим этган маълумотларнинг қалбакилиги аниқланган тақдирда ушбу хизматдан фойдаланиш ёпиб қўйилади. Бундай ҳолатда хизматдан фойдаланиш

хукуқини тиклаш учун миждоз филиал бошқарувчиси номига ариза билан мувожад қилиши ҳамда тақдим этилган маълумотларни аниқлаштириши лозим. Шундан сўнг тизим администратор томонидан очилади.

13. Банк миждозни олдиндан огохлантормасдан «Корпоратив Мобил банкинг» тизимдан фойдаланиш хукуқини Тартибнинг 11 бандига асосан вақтинчалик тўхтатиб қўйиш хукуқига эга.

14. Миждознинг «Корпоратив Мобил банкинг» хизматини бекор қилиш (фойдаланмаслик) мазмунидаги филиал бошқарувчиси номига ёзилган аризасига асосан тизимдан фойдаланиш хукуқи ўчирилади ва ушбу аризининг электрон шакли Бошқарувнинг Хавфсизлик ва ахборотларни муҳофаза қилиш бошқармасига юборилади. Бошқарманинг администратори томонидан электрон сертификат «БЛОК» ҳолатига қўйилади.

#### **V. Хавфсизлик ва ахборотларни ҳимоя қилиш**

15. «Корпоратив Мобил банкинг» тизими орқали банк сирига оид ахборотларни учинчи шахсларга тақдим этилиш ҳоллари рўй бермаслиги учун худудий филиалдаги тизимнинг маъсул ходими ҳамда бош бухгалтерлар шахсан жавобгардирлар.

#### **VI. Яқуний қоидалар**

16. Мазкур Тартиб банк Бошқарувининг қарори билан тасдиқланган кундан бошлаб амалиётга тадбиқ этилади. Тартибга киритиладиган барча қўшимча ва ўзгартиришлар банк Бошқарувининг қарори билан тасдиқланган кундан бошлаб юридик аҳамиятга эга бўлади.

17. Ушбу Тартибда кўзда тутилмаган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда меъёрий-хукуқий ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

**1-илова:** «Корпоратив Мобил банкинг » хизматини кўрсатиш тўғрисида шартнома

**2-илова:** «Корпоратив Мобил банкинг » хизматига уланиш тўғрисида буюртма